

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

“Ҳимояга тавсия этаман”

Тармоқ (минтақавий) маркази

директори Ў.Тилавов

2024 йил “ ” _____

“Фалсафа” йўналиши тингловчиси Шахрисабз давлат педагогика

институти, доценти

МАМАТОВ МАХМУТНИНГ

“ ФАЛСАФИЙ БИЛИМЛАР ТИЗИМИДА ОНТОЛОГИЯ

МАСАЛАЛАРИ” мавзусидаги

БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар: проф. Б.Тўйчиев

Тошкент шаҳри

АННОТАЦИЯ

Мазкур битирув ишида таълим жараёнида назарий асосларга таянган ҳолда Ўзбекистон ва хорижий давлатлар таълим тизимидаги ўқитиш методлари асосида талабаларга “Фалсафий билимлар тизимида онтология масалалари” мавзусидаги: олам ва одам муносабатлари, борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари, борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва реаллик, ҳаракат, фазо ва вақт, макон ва замон, борлиқ фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти, бўлғуси педагогларда тутган ўрни ҳақидаги билим ва маълумотларни ҳозирги замон метод ва усуллари орқали очиб беришга, умуман борлиқ бизнинг мавжудлигимиз асоси, нотирик, тирик табиатнинг яшаш усуллари ҳақидаги фалсафий қарашларини умумлаштириб, ҳозирги табиий-илмий билимлар ва методлар билан бойитиб, юқорида айтилганлар нуқтаи назаридан мавзу ёритиб беришга ҳаракат қилинган ва онтология масалаларининг тутган ўрни хусусида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

ANNOTATION

In this dissertation, based on the theoretical foundations of the educational process in the educational system of Uzbekistan and foreign countries, students are taught "ontology in the system of philosophical knowledge": the relationship between the universe and man, existence and its forms of existence, existence and non-existence, existence and reality, action, space and the importance of studying the philosophy of time, space and time, being, to reveal the knowledge and information about its role in future educators through modern methods and techniques, in general, the basis of our existence, generalized philosophical views on the ways of life of non-living, enriched with modern natural-scientific knowledge and methods, attempts to shed light on the subject from the above point of view and analytical data on the role of ontology.

Кириш.	-----4
1-БОБ. Фалсафий билимлар тизимида онтология масалалари.	-----11
1. 1.Олам ва одам муносабатлари	-----11
1.2.Онтология атамаси	-----12
1.3.Борлиқ тушунчаси	-----13
11-БОБ. Фалсафий билимлар тизимида борлиқ масалаларини ўрганиш	-----19
2.1.Борлиқ ва мавжудлик	-----20
2.2.Борлиқнинг моддий шакли материя	----- 22
2.3. Борлиқнинг атрибутлари	----- 27
2.4.Ҳаракат	-----27
2.5.Ривожланиш	-----28
2.6.Ҳаракат шакллари	----- 31
2.7.Ҳаёт-борлиқнинг намоён бўлиш шакли	----- 34
2.8. Бўлғуси педагогларда борлиқнинг тутган ўрни.	----- 36
Хулоса ва таклифлар	----- 37
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	----- 40
Интернит манбалари	----- 41
Иловалар (амалий машғулот ва тақдимотлар)	-----41

КИРИШ.

Битирув иши мавзусининг долзарблиги ва унинг асосланиши.

Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш ғояси доирасида жадал кечаётган ривожланишлар таълим мазмунини ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига, шунингдек фан, техника ва технологиялар ривожланишининг жаҳон даражасига мувофиқ келишини таъминлаш учун келажагимиз асоси бўлган ёшлар онгида илм-фанга ҳамда билим олишга бўлган интилишларни доимий рағбатлантиришни тақозо этади. Бугунги кунда жадал юз бераётган ўзгаришлар, таклиф этилаётган таълим хизматлари ва мана шу хизматларни амалга оширувчи таълим муассасалари томонидан олға сурилаётган назарий фикрларни амалиётга татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланиш биз педагогларнинг олдида турган долзарб ва муҳим вазифалардан саналади. Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев “Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ, бизнинг энг катта бойлигимиз - бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир” – дея алоҳида таъкидлангани асло бежиз эмас.[1]

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида ҳам “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [2] деганда, педагоглар ва эртанги кунимиз бўлган ёшлар олдида нақадар маъсулиятли вазифалар турганлигини англашимиз мумкин бўлади. Бу фикрни давом эттирган ҳолда президентимизнинг “Ёшларимиз ҳақли равишда ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани ғурур ва ифтихор бағишлайди” дея билдирган ишончлари

ёшларга яратилаётган имкониятлар замирида катта меҳнат ётганлигини тасдиқлагани ҳолда маъсулият юкини яна бир қарра оширади. [3] „Биз ўз олдимизда мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шарафларни яратишимиз керак, шу мақсадда “Янги Ўзбекистон-мактаб оstonасидан, таълим –тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг қўлланмиш ислохотларни амалга оширамиз деб таъкитладилар.[4]

Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти ва таълим натижаларини баҳолаш усуллари ўқув жараёнини ташкил этиш, талабалар ўқув юкларини бажариш орқали ўқув натижаларига эришиши, мустақил билим олишлари учун, таълим соҳасига оид қонун, қонуности ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ва унга асосланиши бежис эмас албатта. Бу тизимда талабаларнинг мустақил ишни режалаштириш ва ташкил қилиш. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш. Педагогикнинг касбий профессионаллигини ошириш. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш. Таълим тизимини бошқаришда давлат ва нодавлат тузилмалар иштирокини таҳлил этиш ҳамда таълим жараёнини кенг қўлланмиш ислох этишда сифатни оширишга қаратилган ёндошувларнинг аҳамиятини ўрганиб чиқиш бугунги кун нуқтаи назаридан жуда долзарб саналишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу жараёнларнинг бир қўриниши бўлган Борлиқ тушунчаси фалсафий категория сифатида билишнинг юқори босқичи-абстракт тафаккургагина хос бўлиб, фикрлаш жараёнида кишилар бу тушунча орқали дунёдаги алоҳида нарсалар, уларнинг конкрет белгилари ва хоссалари ҳақида эмас балки, дунёдаги барча нарсалар, воқеа ҳодисалар, жараёнлар ўртасидаги энг умумий жиҳат уларнинг реаллиги ҳақида фикр юритадилар. Борлиқ категорияси ёрдамида кишилар дунёнинг объектив мавжудлиги, унинг чексизлиги, абадийлиги ва бир бутунлиги ҳақида илмий ва фалсафий тасаввурга эга бўладилар.[5] Бу битирув иши мавзусининг долзарблигини асослаб беради.

Битирув ишининг объекти ва предмети.

Ўзбекистонда объектив шарт-шароитларнинг, жумладан ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тубдан ўзгариб бораётганлиги ички ва ташқи сиёсатда амалга оширилаётган тадбирларнинг самаралари инсон онгига, жумладан ёшларининг маънавиятига онтология масалари ижобий таъсир этмай қолмайди. Ўз ўрни ва аҳамиятига кўра фалсафани ўрганиш айнан онтологиядан бошланади. Ривожланган хорижий давлатларда кўп йиллик тажрибалар ва изланишлар замирида вужудга келган бугунги кундаги таълим тизими сифатини ошириш мезонлари моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишига сабабчи объект ҳисобланади.

Умуман материя — бу тушунча, абстракт, фикрнинг маҳсулидир, чунки, оламда «умуман материя» учрамайди, балки материянинг конкрет кўринишлари учрайди. Шундай қилиб файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча бу «материя»дир. Оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг умумий белгиси, хусусияти шундан иборатки, улар бизнинг онгимиздан ташқарида, мустақил равишда мавжуддир. Ҳамма нарсага хос бўлган бу умумий хусусият материя тушунчасида ўз аксини топади. Демак, материя тушунчасининг фалсафий мазмуни:

а) нарсаларнинг бизнинг онгимиз, хоҳишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлиги;

б) улар бизнинг сезги ва билимларимиз манбаи эканлигини билдиради. Материянинг фалсафий тушунчаси фақат ҳозирги даврда фанга маълум бўлган объектларгина эмас, балки келгусида кашф қилинадиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади, бу маънода унинг методологик аҳамияти каттадир. Материя абадий, бепаён, чексиз, ҳеч қачон йўқолмайди. Материянинг абадийлиги унинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, ҳамда мавжуд

бўлишини, ҳар бир янги кашфиёт туфайли унинг янги томонлари очилишини билдиради. Материя тушунчасининг табиий-илмий маъноси унинг тузилиши, битмас туганмас хусусиятларининг хилма-хиллигини билдиради ва улар табиат ҳақидаги алоҳида фанлар: физика, химий, биологий кабилар томонидан ўрганилади. Онтологиянинг объекти ва претмети сифатида қабул қилинади.[6]

Фалсафа фани, претмети ҳам ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тендециялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш, уни илмий тушуниш, илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. Шунга кўра, битирув ишининг предмети сифатида онтология-борлиқ масаласи таълимда сифат тизимини ислоҳ қилиш жараёнидаги ўзига хос муҳим тенденциялар ўрганиб чиқилади. Аммо миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига ижобий таъсир этаётганлиги жаҳон тажрибасида, хусусан, АҚШ, Германия, Сингапур, Шветция, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар мисолида ўз исботини топган. Миллий кадриятларга асосланган техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин, аммо таълим моделларининг туридан қатъий назар сифат мезони бирламчи бўлмоғи даркор. Шунга кўра таълим тарбия жараёнида, айниқса, олий таълимда сифатни бошқариш тизимларида онтология масалари изчил ўрганилиши лозим.

Битирув ишининг мақсади ва вазифалари. Таълим сифатини бошқариш жараёнида республикамызда қисқа давр ичида қўлга киритилаётган ютуқларни эътироф этган ҳолда баъзи хорижий давлатлар томонидан таълим сифати борасида эришилаётган ютуқларни изчил таҳлил қилиб, таълим сифатини оширишнинг асосий тенденцияларини ўрганишдан иборат. Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда битирув ишида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

Табиат ва жамиятда ҳамма нарса ҳаракатда ўзгаришда, ўзаро таъсирда ва ўрин алмашишдадир.

Ҳеч бир мутлоқ тинч турган, ҳаракатсиз нарса йўқ. Оламдаги нарсалар ҳаракатда бўлиб, улар бир-бирига айланади, бири иккинчисини йўқотади, бири иккинчисидан пайдо бўлади. Ҳар қандай нарсанинг мавжуд бўлишининг ўзи авваломбор уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро таъсирда бўлишини тақозо этади.

Масалан, атом қобиғини ташкил этувчи ядро ва электрон ўртасида муайян ўзаро таъсир бўлгани сабаблигина атом мавжуддир; тирик организмда ҳам уни ташкил этувчи молекулалар, хужайра ва тўқималар ўртасида ўзаро таъсир жараёнлари содир бўлади; жамиятнинг мавжуд бўлиши учун ҳам кишилар фаолиятлари ўртасида ўзаро муносабатлар бўлиши зарурдир. Демак, ўзаро таъсир материя хоссаларини, муносабат ва ҳолатларини ўзгаришга олиб келади.

Илмий фалсафа таълимотига кўра ҳаракатнинг фалсафий маъноси шуки, у материянинг борлиқ шаклидир. Материя ҳаракати қандай шаклда бўлмасин у объектив равишда материядан ажралмаган ҳолда содир бўлади. Материянинг мавжудлик шакли бўлгани учун ҳаракатнинг объектив реал бўлиш хусусияти материянинг ҳам хусусияти ҳисобланади. Энг умумий тарзда ҳаракат умуман ўзгаришдан, моддий объектларнинг ҳар қандай ўзаро таъсиридан иборат. Материя ҳаракати ҳеч қандай ташқи турткига, ғайри табиий кучга муҳтож эмас. Материя ўзига хос ички қарама-қаршиликларга кўра ҳаракат қилади, ривожланади. Материя ҳаракати ва тараққиётининг манбаи ички қарама-қаршиликлардир. Ушбу каби фалсафий билимлар орқали дунёни билиш ва ўрганишни ёш овлодга етқашиш, битирув ишининг мақсади ва вазифасидир.

Битирув ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача ўзаро таҳлили.

Бугунги кунда халқаро алоқаларнинг кенг йўлга қўйилган даврида оммавий маданиятнинг ёшлар таълим-тарбиясига кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ масалаларга қизиқишнинг тобора ортиб бориши табиий. Аммо таълим соҳасида ҳам миллатимиз руҳиятига мос келувчи илғор тенденцияларни ўрганиш, татбиқ этиш масалалари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра танланган мавзу бўйича битирув ишини тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисидаги Қонун” 2020 йил 23 сентябрь, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5-июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарори, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сон қарори, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июль „Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сонли Қонунларидан фойдаланилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бир қатор Қарор ва буйруқлари билан танишиб чиқилди. Бундан ташқари, мавзу бўйича Президентимизнинг асарлари ва маърузаларида кўтарилган долзарб масалалар ҳам ўрганилди. Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш йўллари орқали, ф.ф.д. профессор Б.Т.Тўйчиевнинг „Замоновий фалсафанинг долзарб масалари” мавзусидаги маърузаларидан, бир қанча дарсликларидан ҳамда кўпгина олимларининг адабиётларидан фойдаланилди.

Битирув ишининг назарий ва амалий аҳамияти.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади. Кредит-модуль тизимида Олий таълимнинг ўқув жараёнини ташкил этилиши, талабалар ўқув юкламаларини бажариш орқали ўқув натижаларига эришиши, мустақил билим олишлари учун, таълим соҳасига оид ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ва унга асосланиши кластир тизимига ўтилиши бежис эмас албатта. Олам ва одам муносабатлари, борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари, борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва реаллик, ҳаракат, фазо ва вақт, макон ва замон, борлиқ фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти, бўлғуси педагогларда онтологиянинг тутган ўрни ҳақидаги тушунчаларни талабалар онгига сингдириш ва мустақил билимлар олиш орқали комил инсон қилиб тарбиялашнинг, ўзига хос хусусиятларини изчил таҳлил этиш, битирув ишининг назарий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради. Умуман изланишлар натижасида илгари сурилган хулосалар ва умумлаштирилган фикрлардан амалиётда олий таълим муассасаларида, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, мактабгача таълим муассасаларида, мактаб ва академик лекций, коллежлар, техникумларда, ёшлар билан маънавий-мафкуравий тарбия ишларини ташкил этишда маърузалар ўқишда фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Битирув иши материалларидан аввало, таъкидлаш жоизки, инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган хикматлар хазинаси, атоқли алломалар мероси, уларнинг асарлари, ғоя ва таълимотлари муҳим ўрин тутadi. Ҳар бир даврнинг буюк донишмандлари ўз юрти ва халқининг тафаккури, рухияти ҳамда орзу-интилишларини фалсафий таълимотларида ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган юксак ғояларни ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи бундай ғояларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади

Битирув иши тузилмасининг тавсифи. Структуравий жиҳатдан битирув иши кириш, икки боб, ўнбир бўлим, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Битирув ишининг умумий ҳажми 40 бетдан иборат.

1-БОБ. Фалсафий билимлар тизимида онтология масалалари.

Ўз ўрни ва аҳамиятига кўра фалсафани ўрганиш айнан онтологиядан бошланади. Ҳақиқатан ҳам, фалсафа қандай фан? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Фалсафа фанинг борлиқ ҳақидаги масалаларини ўргатувчи қисми онтология деб аталади.

Олам ва одам муносабатлари. Сиз билан биз яшаётган шу дунё ўзининг барча мураккаблиги ва муаммолари, жозибadorлиги ва бутун гўзаллиги билан ягона оламни ташкил этади. Олам тушунчаси, энг аввало, одам ва унинг фаолияти кечадиган маконни акс эттиради. Агар одам бўлмаганида эди олам ҳақидаги тасаввурлар ҳам бўлмас эди. Демак, олам одам билан мазмундордир. Олам уни ташкил этувчи нарсалар билан биргаликда намоён бўлади. Ҳеч нарсаси йўқ олам йўқликдир. У мавхум тушунча, яъни абстракциядир.

Қадимги даврлардан буён одам ўзини англагач, оламнинг таркибий қисми эканлигини тушуна бошлади. Дастлаб унинг ҳаётини таъминловчи тирикчилик воситаларининг аҳамиятини тушуниб етди ва уларни эъзозлаш, авайлаб-асраш туйғуси шаклланди.

Шу туфайли, олам асосида ётувчи тўрт элементни: ҳавони, сувни, тупроқни, оловни муқаддаслаштириш сингари ғоялар вужудга келди. Натижада олам тўғрисидаги содда космологик қарашлар пайдо бўлди.

Олам, энг аввало, тор маънода бу одам яшайдиган жой. Аслида одамзод ва ҳайвонот олами, ўсимлик ва ҳашаротлар дунёси, жисмоний, руҳий, маънавий олам ва бошқа шу сингари кўплаб тушунчалар бор. Улар дунёда мавжуд бўлган нарса ва ходисалар номи билан аталади. Масалан, одамнинг

руҳий олами унинг билим, тажриба ва ҳаёлини ўз ичига олувчи ўта кенг камровли тушунчадир. Бунда биз олам одам яшайдиган жой, деган маънога караганда янада кенгрок мазмунга эга бўламиз.

«Онтология» атамаси. Фалсафанинг кўплаб соҳалари ва турли йўналишлари бор. Улар орасида борлиқ тўғрисидаги фан “Онтология” муҳим ўрин эгаллайди. Онтологиянинг предметини борлиқ ташкил этади. Унинг мазмуни борлиқ ва йўқлик, меъёр ва сифат, миқдор ва ўлчов, макон ва замон, ҳаракат ва ўзгариш каби тушунчалар орқали ёритилади.

Ўз ўрни ва аҳамиятига кўра асл фалсафани ўрганиш айнан онтологиядан бошланади. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаган файласуф ва мутафаккирлар ижодида онтология қамраб оладиган борлиқ ва мавжудлик, коинот ва олам, ботинийлик ва зоҳирийлик, борлиқ ва йўқлик, материя ва ҳаракат, макон ва замон, чеклилиқ ва чексизлик, инсон ва жамият борлиғи билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият берилган. Фалсафа тарихида ушбу соҳага доир турли оқимлар ва йўналишлар шаклланган.

«Онтология» атамаси борлиқ ҳақидаги таълимот маъносида илк бор Р.Гоклениус 1613 йил „фалсафа луғатида ва И.Клауберг (1646 йил) томонидан илмий муомалага киритилган. Х.Вольф(1679-1754)нинг фалсафага оид дарслигида қўлланилган бўлсада, луғавий маънода у юнонча “ontos” – мавжудлик ва “logos” – таълимот деган мазмунни англатиб, „мавжудлик ҳақидаги таълимот”, яъни борлиқ ҳақидаги фан маъносини ифодалайди. Ғарб файласуфи Х.Вольф тадқиқотлари бу атаманинг кенг тарқалишига асос яратди ва у фалсафанинг асосий мазмунини ташкил этувчи муҳим бўлимини ифодалай бошлади. Улардан илгари қадимги юнон файласувлари ҳам онтологиянинг мазмунини ифодаловчи турли фикрларни илгари суришган. Улар онтологияни „ҳақиқий борлиқни ноҳақиқий борлиқдан ажратиб олувчи борлиқ ҳақидаги таълимотдир” деб ҳисоблашган. Элер мактаби намоёндалари эса онтологияни мангу, ўзгармас, ягона, соф борлиқ ҳақидаги таълимот деб ҳисоблашган. Милет ва Иония мактаби вакиллари эса

даслабки борлиқнинг сифатий талқини ҳақида бош қотиришган. Улардан борлиқнинг бошланишида ётувчи бундай асосни Эмпедокл „стихия“ Демокрт „атомлар“, Анаксимандр „апейрон“, Анаксагор „уруғ“ деб атаган. Афлотун эса ғоялар онтологиясини яратган. Ғоялар онтологияси ақл билан эришиладиган моҳиятлар иерархиясини ташкил этиб, унинг юқори нуқтасида фаровонлик ғояси, ундан кейин бетўхтов оқувчи хилма-хил ҳиссий дунёни акс эттирувчи идеал намуналар, сонлар, геометрик шакллар ётади. Арасту фикрича умумийлик айрим ҳолда яқка нарсалардан четда мавжуд эмас. Биз оламда айрим нарсаларга дуч келамиз ва улардаги бир-бирига ўхшаш жиҳатларини умумлаштириб, абстракт ва идеал образ ҳосил қиламиз. Шу тариқа Арасту эмпиризм онтологиясини яратди. [7]

“Борлиқ тушунчаси”. Файласуфлар қадим замонлардан буён «борлиқ» ва «йўқлик» ҳақида баҳс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, моҳияти, хусусиятлари ва шакллари ҳақида кўплаб асарлар ёзишган. Хўш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан унга шу чокқача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу ҳолат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боғлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ – объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У ҳолда фикр, инсон тафаккури, ўй-хаёлларимиз борлиқ тушунчасидан четда қолар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг ҳосиласидир, деб жавоб беришади. [8] Борлиқ турли концепцияларда турлича ўрганилади. Баъзи бир тадқиқотчилар уни муайян моддий жисм, модий борлиқ сифатида фикр юритишади, баъзилари эса уни ғоявий, маънавий, илоҳий моҳият, руҳий шаклида тушинишади. Абу Наср Фаробий ягона борлиқни 6 босқичдан иборат деб ҳисоблайди: 1-илк сабаб-худо; 2-сабаб самовий жисмлар борлиғи; 3-сабаб-фаол ақл; 4-сабаб-жон; 5-сабаб-шакл; 6-сабаб-модда. Бу босқичлар бир-бири билан сабабий боғлан бўлиб, улар барча мавжудликнинг бошланғичи ҳисобланади. Борлиқ тушунчаси атрофида файласуфлар ҳар доим кескин мунозаралар, тортишувлар, баҳслар олиб боришган ва бу баҳслар ҳалигача давом этмоқда. „Борлиқ“ фалсафадаги энг умумий тушунчадир. Борлиққа қарши тушунча сифатида „Йўқлик“ тушунчаси ишлатилади. Йўқлик назарда тутилган жойда ҳеч нима мавжуд эмаслигини билдиради. Борлиқ илгари мавжуд бўлган, ҳозир мавжуд

ва келажакда мавжуд бўладиган объектив ҳамда субъектив реалликни ҳам ўзига қамраб олади. Табиат, инсон, фикрлар, ғоялар, жамият ҳаммаси турли шаклларда мавжуддир. Уларнинг барчаси мавжуд бўлганлиги учун ҳам яхлит ягона борлиқни ташкил этади.

Дунёнинг моддий бирлигини қуйдагилардан яққол кўришимиз мумкин:

1. Борлиқ, материя объектив реалликдир, у инсон онги иродаси, хоҳиши ва истагидан ташқари реал мавжуддир. Демак, дунёнинг моддий бирлиги инсоннинг сезгилари ва тушунчаларига боғлиқ бўлмай, бу бирлик инсон онгидан ташқаридаги ундан мустақил ва абадий мавжуд бўлган материянинг хусусиятлари билан ифодаланади.

2. Дунё моддийдир, барча нарсалар ва ҳодисалар материянинг турли шаклларидаги кўринишидан иборат. Оламда фақат материя ва унинг аниқ сифати ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, оддий чанг заррасидан сув томчисигача, мураккаб молекуладан минералга қадар бўлган нарсаларни олиб кўрайлик, улар турли кўринишга сифат ва хусусийтга эга бўлиб, бири-биридан жуда фарқ қилади. Уларнинг ҳаммаси материянинг муайян кўринишидир, буларнинг заминида ҳамма жисмлар учун умумий бўлган субстанция-материя ётади. Мана шуни бирлик деб атаймиз. Бундай бирлик ёлғиз бизнинг сайёрамиздагина эмас, балки чексиз коинотнинг барча бепаён томонларида объектив мавжуддир.

3. Оламдаги барча нарса ва ҳодисалар қандай мазмунга, шаклга эга бўлишидан ва коинотнинг қайси ерида жойлашишидан қатъий назар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамдир. Бу болиқлик оламнинг шундай бир умумий зарурий томоники, табиатдаги бирор предмет ёки жамаиятдаги бирор ҳодиса шу боғланишдан четда қола олмайди. Барча мавжуд нарсалар ва ҳодисалар, уларнинг сифат ва хусусийтлари ўртасидаги бу боғланиш ҳам оламнинг бирлигини кўрсатувчи далилдир. Фазода чексиз ва вақтда абадий ҳаракат қилиб турувчи материя бутун мавжуддоднинг негизи ва манбаидир.

Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотни изохлайдиган қисми — онтология деб аталади. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор Х. Вольф қўллаган). Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу соҳаси ўрганади. Йўқлик ҳеч нима демакдир. Ҳамма нарсани ҳеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқликдир. Бу

маънода йўқлик чексизлик, ниҳоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чекинган жойда борлик пайдо бўлади. Демак, борликнинг бунёдкори ҳам, кушандаси ҳам йўқликдир. Борлик йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир. Йўқликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ. Ҳозирги замон фанларининг хулосаларига кўра, атрофимиздаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан тузилган. Атомлар мураккаб тузилган ядро ва электрон қобиклардан иборат. Атомнинг электрон қаватлари бир-биридан ва атом ядросидан муайян узоқликда жойлашган бўлади. Энг содда атом ҳисобланувчи водород атомининг ядроси битта протондан, мураккаброқ атомларнинг ядроси эса, протон ва нейтронлардан ташкил топади

Органик ва аноорганик моддалар молекула тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Жонли организмлар органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонли организмларнинг таркиби асосида хужайралар ва хужайра системалари ётади. Ер шари атрофини куршаб турувчи биосферани бир бутун жонли система деб олиш мумкин. Микроорганизмлар, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси ва инсоннинг ўзаро алоқадорликлари бу биосферанинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Маълумки, Ер шари ва ўз атрофида ҳаракатланувчи Ой билан бирга йилда бир марта қуёш атрофини айланиб чиқади. Бу система ҳам биосферага ўз таъсирини ўтказади. Ер юзиди минтақаларнинг фарқ қилиши, фаслларнинг алмашинуви ана шу система ҳаракати билан боғланган. Қуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи сайёралар, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, метеоритлар, кометалар ва кичик планеталар биргаликда қуёш системасини ташкил этади. қуёшдан энг узоқда жойлашган планета Плутон унинг атрофини 247 ярим йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади, яъни Ер йили — 365,25 кунга тенг бўлса — Плутон йили 247та Ер йилига тенгдир.

Қуёш системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига олувчи Галактика (Сомон йўли) таркибига киради. Унинг диаметри 94,6 млн. ёруқлик йилига

тенг. Кейинги система галактикалар тўпи бўлиб, унинг диаметри 1 мегапарсекка тенг. У 30 тагача галактикани ўз ичига олади. (1 парсек 3,26 ёйга тенг). Кейинги система – галактикаларнинг маҳаллий тўпи, унга 2 та гипергалектика ва 27 та митти галактикалар киради. Мажмуада 500 тагача галактика бўлади, унинг диаметри -5 мегапарсек. Галактикалар мажмуаси галактикаларнинг ўта мажмуасига бирлашади, унинг диаметри 40 мегапарсек бўлиб, ўзида 10 мингдан зиёд галактикани бирлаштиради. Ўта йирик мажмуалар коинотни бошқа структуравий бирликларига киради. Коинотнинг радиуси эса 15 — 20 млрд. ёйга тенгдир.

Бу системаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, борлиқнинг моддий кўринишларини турли хил структура, даражаларига ажратиш мумкин.

Сифатий жиҳатдан материя икки хил шаклда, кўринишда учрайди: моддасимон ва номодда кўринишида. Материянинг моддасимон кўринишдаги шакллари иккига, модда ва антимоддага ажралади. Булар бири билан чамбарчас боқланган бўлиб, улар тўқнашганда кескин сифатий ўзгариш рўй беради, яъни модданинг моддавий кўриниши номоддавий кўринишга айланади. Материянинг номоддавий кўриниши ҳам икки хил шаклда учрайди: майдон ва нурланиш. Муайян майдондаги нурланишлар физик вакуумда (физик вакуум физик жисмлардан ҳоли бўлган жой) моддий заррачаларнинг ҳосил бўлишига имкон беради. Хуллас, булар ҳам бири-бири билан чамбарчас боқлангандир. Материянинг биз юқорида қайд этган кўринишларидан бошқача кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг табиати ҳали фанга маълум эмас. Агар биз борлиқнинг моддий кўринишларини тузилиши жиҳатидан туркумлаштирсак, борлиқнинг структура даражалари ҳақидаги хулоса ҳосил бўлади.

Борлиқнинг структуравий тузилишини унинг сифатий ривожланиши нуқтаи назаридан олиб қарасак, моддий олам бу ҳолда ҳам учта даражага ажралади. Унинг ташкилий структура даражаларини: аноорганик дунё (нотирик

табиат), органик дунё (тирик табиат) ва ижтимоий дунё (жамият) га ажратилади. Улар бир-биридан хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги билан фарқ қилади.

Анорганик дунё ёки нотирик табиатда физикавий ва химиявий алоқадорликлар ҳукмронлик қилади, шу туфайли нотирик табиатдаги қонуниятлар шу табиат фанлари доирасида чекланган бўлиб, тирик дунёга нисбатан пассив ва ташкилий уюшганлиги паст даражада бўлади.

Тирик табиатда яъни органик дунёда эса биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли унинг уюшганлик даражаси юқорироқ, фаолроқ ва мураккаброқ тузилган бўлади.

Ижтимоий дунё даражасида эса, юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятга хос бўлган ижтимоий алоқадорликлар ҳам иштирок этади. Бундай дунёнинг тузилиши ниҳоятда мураккаб бўлиб, борлиқ бу даражада ўзининг ўта уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва юқори даражада фаоллигини намоён қилади. Бу дунёнинг структуравий элементи бўлган ҳар бир инсон жамиятга хос бўлган барча алоқадорликларни ўзида акс эттиради ва ижтимоий муносабатларда, алоқадорликларда онгли равишда, мақсадга биноан, муайян мўлжалларни олдиндан белгилаган ҳолда ҳаракат қилади.

Бу борада оддий бир мисол келтирайлик. Масалан, қўлингиздаги китобни ҳам ҳар хил, бир-бирига ўхшамайдиган, аммо бир касбдаги олим ва мутахассислар ёзишган. Агар сиз, масалага ижтимоий дунёнинг тузилиши нуқтаи назаридан баҳо бермоқчи бўлсангиз, унда мазкур китобнинг қайси қисми қандай ёзилгани, кимнинг қандай фикрлаши, мавзуни содда ва халқчил тушунтира олиши ёки мураккаб тилда баён қилишига эътибор беринг. Шунда масала бироз ойдинлашади. Худди шундай ҳолни сизга турли фанлардан дарс бераётган ўқитувчилар мисолида ҳам кузатишингиз мумкин. Кейин эса, ўзингиз ва ўртоқларингизнинг дарсларга, китобларга, уларни ўзлаштириб,

ўқиб ва уқиб олишга, ҳаётга муносабатингизга виждонан баҳо бера олсангиз, бу борадаги мураккаб жараёнларни муайян даражада тўғри англаб олишингиз мумкин.

Инсон томонидан ном қўйилган дунёлар ҳеч қачон бир-биридан ажралиб, алоҳида холда мавжуд бўлмаган. Улар ҳам бир-бири билан узвий алоқадорликларда бўлади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Одатда, камроқ алоқадорликларга эга бўлган система унга нисбатан кўпроқ алоқадорликларга эга бўлган системага қарганда мураккаброқ ва ташкилий жиҳатдан уюшганроқ бўлади. Бу ерда ҳам ана шу қоида амал қилади.

Анорганик дунёда инъикоснинг энг содда ва қуйи шакли — механик инъикос фаолият кўрсатса, органик дунёда унга нисбатан мураккаброқ кўринишдаги биологик инъикос намоён бўлади. Бундай инъикоснинг ўзига хос бўлган томони танловчанлик, сесканувчанлик ва мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишдир, жамиятда эса, инъикоснинг энг олий шакли социал инъикос фаолият кўрсатади. Бу инъикос ўзида инъикоснинг бошқа шакллари ҳам қамраб олган бўлади. Онгли ва юқори доирада уюшган фаол инъикос, алоқадорлик, хатти-ҳаракатлар ижтимоий дунёга хосдир.

Борлиқ шаклий структура даражаларининг балки биз ҳали билмайдиган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар ҳали бизнинг тушунчаларимиз доирасига сиғмайди. Хуллас, борлиқнинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жиҳатидан, энергия ва информация алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарқ қилади.

Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ ҳақида турлича ғояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроғида вужудга келган зардўштийлик таълимотида борлиқ қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу ғоя бўйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа

мавжудлик бахш этади. Қадимги юнон файласуфи Сукрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади, деб ҳисоблайди. Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирган. Унинг фикрича, борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

Ислом таълимотида эса борлиқ Оллох яратган мавжудликдир. Бу борада ваҳдати вуҷуд ва ваҳдати мавжуд таълимотлари шаклланган. Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлиқ ҳақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар. Масалан, Форобий фикрича, илк борлиқ азалий Оллохнинг ўзидир. Беруний фикрича, Оллохдан бошланғувчи борлиқ шундай умумийликки, у ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлиқ ҳамма нарсанинг асосидир. [9]

Европада ўтган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борлиқни сезгиларимиз мажмуаси деб талқин этишган. Ҳегел эса борлиқни мавҳумлик, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Кўпгина натурфалсафий қарашларда борлиқни ҳозирги замон билан, яъни шу актуал оламга боғлаб тушунтирдилар.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча бўлиб ўзига бутун мавжудликни, унинг ўтмиши, ҳозир ва келажагини ҳам қамраб олади. Файласуфлар борлиқни тушунтириш учун йўқлик тушунчасини унга антипод қилиб олишган ва шу асосда борлиқнинг зарурий моҳиятини очишга интиланлар. Материалистик адабиётларда борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлиқ ўзига объектив ва субъектив реалликни, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, ўтмиш ва келажакни, ўлимни ва ҳаётни, руҳ ва жисмни қамраб олувчи умумий тушунчадир.

11-БОБ. Фалсафий билимлар тизимида онтология масалаларини ўрганишнинг аҳамияти.

Бу фанни ўрганиш инсонга нима беради? Ҳар қандай замонда ҳам инсоният мавжуд экан, олам ва одам қандай қонуниятлар асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, деган саволларга жавоб излайди. Умрнинг мазмуни нимадан иборат, авлодлар ортидан авлодлар келиб-кетаверишида қандай маъно бор каби масалалар ҳам барчани ўйлантиради. Эҳтимол, ўзингиз ҳам шу сингари бир-биридан мураккаб саволларга дуч келгансиз, уларга жавоб излагандирсиз? Бу масалалар ҳақида кимлар биландир фикр алмашиб, бахслашгингиз ҳам келар? Фалсафа ана шундай масалалар билан шуғулланади. У ниҳоятда қадимий фан. Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, инсон қадри ва умрнинг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик. Ҳамда тараққиёт масалалари фалсафанинг асосий мавзуси ҳисобланади.

— фалсафани жаҳон маданияти ва цивилизациянинг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш;

- фалсафий ғоялар, муаммолар, оқим ва йўналишларни тавсифлашда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги таъйини амал қилиш;

- ҳар бир мавзунини истиқлол ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда тушунириш

Борлиқ тушунчасининг моҳияти ва маъноси. Онтология — борлиқ фалсафаси. Борлиқнинг асосий турлари. Моддий предметлар, жараёнлар борлиги. Материя категорияси. Унинг хусусиятлари ва намоён бўлиш шакллари ҳақида замонавий қарашлар. Ҳаракат тушунчаси. Ҳаракатнинг асосий шакллари ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Ҳаракатнинг абадийлиги, узлуксизлиги ва тинчликнинг нисбийлиги таъйини. Фазо ва вақт-материя мавжудлигини объектив шакллари. Фазо билан вақтнинг

умумийлиги ва фарқи. уларнинг бирлиги, абадийлиги, чексизлиги, узлуксизлиги билан танишиб борамиз.

Борлиқ ва мавжудлик. Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, ғоялар, ўй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига киради.

Материалистик мазмундаги борлиқ тушунчаси таърифига фақат объектив реал олам, онгдан ташқаридаги, унга боқлиқ бўлмаган жисмоний моҳиятга эга бўлган нарсаларгина киритилади. Борлиқнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташқарида қолади.

Аслида эса, борлиқ категорияси умумий абстракция бўлиб, мавжудлик белгиси билан барча нарса ва ҳодисаларни ўзига қамраб олувчи ўта кенг тушунчадир. У ўзига нафақат объектив реалликни, балки субъектив реалликни ҳам қамраб олади.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгрок тушунчадир. Мавжудлик — борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчасига киради. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг учта соҳаси ажратиб кўрсатилади. Уларга: табиат борлиқи, жамият борлиқи, онг борлиқи киради. Булар учун энг умумий белги, уларнинг мавжудлигидир.

У иккига бўлинади: азалий табиат борлиқи (ёки табиий табиат борлиқи, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиқи («иккинчи табиат» борлиқи, яъни маданият). Иккинчи табиат борлиғи эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда учрайди:

- инсон борлиқи (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиқи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиқи);

- маънавий борлиқ (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);

- социал борлиқ (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиқи ва жамият борлиқи), у ижтимоий борлиқ ҳам деб аталади.

Кейинги йилларда виртуал борлиқ (лот. *virtus* – эҳтимол тутилган, мумкин бўлган; *realis* – ҳақиқий, мавжуд) – замонавий техника воситалари ва информацион коммуникациялар ёрдамида яратиладиган ва инсонга оламни ўзига хос идрок этиш ва англаш имконини берадиган сунъий дунё шакли ҳақида ҳам кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Борлиқнинг турли компьютер моделлари ва электрон борлиқ унинг синонимларидир. 20-а.нинг 60-й.лари охирида Майрон Крюгер томонидан “Сунъий борлиқ” тушунчаси илмий муомалага киритилган бўлса, Жарон Ланьер ҳозирги кунда кенг тарқалган “вертуал борлиқ ” атамасини 1989 йилда илмий муомалага киритган эди. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлиқ фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда олам, борлиқ шакллари ва инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади.

Виртуал борлиқни одамлар яратади. Шу боис унда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир. Бинобарин у объектив тарзда яъни инсон миясида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъи назар яшашда давом этади, бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади, мазкур онгнинг мазмунига – билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб ҳар хил идрок этилади.

Борлиқнинг моддий шакли материя ўзига барча жисмларни, ҳодисаларни, жараёнларни ва уларнинг хусусиятларини камраб олади. Бундан ташқари у тафаккурни ҳам, оламда мавжуд бўлган барча

алоқадорликларни ва муносабатларни ҳам қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига хос умумийликни ахтаришнинг бир йўналиши моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш йўли бўлиб, юқорида қайд этганимиздек, субстанцияни аниқлаш йўлидир. Иккинчи йўл эса — моддий оламнинг асосий таркибига кирувчи «қурилиш элементларини»- субстрактни ахтариш йўли. Учинчи йўл — ҳамма нарсанинг вужудга келтирувчи бош сабабчисини, ота моддани, яъни праматерияни ахтариш йўли. Мана шу йўл ҳақида махсус тўхтаб ўтайлик.

Оламнинг субстанциясини ахтаришнинг бу усули гўёки мева истеъмол қилаётган киши, унинг келиб чиқишини ахтариб, дастлаб дарахтга, сўнгра унинг гулига, баргига, кўчатига ва уруғига назар солганидек, атрофимиздаги моддий оламнинг ўзагида дастлабки яратувчи модда сифатида нима ётишини, яъни илк материяни, азалий материянинг «бобоколонини», «праматерияни» ахтариш усулидир.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг майдонга келишига ва ривожланишига сабабчи бўлди. Материя тушунчаси моддий унсурга нисбатан ҳам, атомга нисбатан ҳам, праматерияга нисбатан ҳам умумийроқ бўлган тушунчадир. Материя оламдаги барча моддий объектларни, бутун объектив реалликни ифода этувчи энг умумий тушунчадир. Файласуфлар «Том маънодаги материя фақат фикрнинг маҳсули ва абстракциясидир» деб ёзишади. Файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча материя деб аталади. Демак, материя моддий объектларга хос энг умумий тушунча, фалсафий категориядир.

Борлиқнинг асосида ётувчи моҳиятни ахтариш тарихи ҳам фаннинг узок ўтмишига бориб тақалади. Масалан, қадимги Ҳиндистон ва Хитойда, Миср ва Бобилда, қадимги ўрта Осиё ва Юнонистонда баъзи файласуфлар оламнинг асосида қандайдир модда ёки муайян унсур ётади, деб ҳисоблашган. Уларнинг баъзилари бу унсурни олов, бошқалари сув ёки ҳаво,

айримлари эса — тупроқдан иборат деб ҳисоблашган. Баъзи бир фалсафий таълимотларда эса, оламнинг асосида — олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади, барча нарсалар ана шу тўртта унсурнинг бирикишидан ҳосил бўлган дейилган.

Оламнинг асосида ётувчи субстанцияни ахтаришнинг яна бир йўли нарсаларнинг таркибидаги бўлинмас энг кичик унсурни, яъни нарсаларнинг таркибидаги умумий субстракт (лотинча *substratum* — асос маъносини англатади) ни ахтаришдир. Бундай йўналишга мансуб оқимлардан бири атомистик оқим ҳисобланади. Масалан, қадимги Юнон файласуфлари Левкипп, Эпикур, Демокрит ва Лукрецийлар нарсаларнинг ва бутун оламнинг асосида энг кичик бўлинмас унсурлар атомлар ётади, улар ўзларининг шакли, ҳаракатланиши ва вазнлари билан бир-бирларидан фарқ қилади, деб ҳисоблашган.

Албатта бу таърифларни бир ёқлама мутлақлаштириб тушунмаслик лозим. Бу таърифларда кўпроқ сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши мумкин бўлган реаллик назарда тутилган. Нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси биргаликда сиз билан биз мансуб бўлган дунёни ифодалайди. Аммо табиат, жамият ва инсон тафаккурининг асосида ётувчи ва уларни бирлаштирувчи шундай бир умумлаштирувчи тушунча ҳам борки, у объектив оламнинг мазмунини ифода этади. Бундай тушунча ҳақидаги тасаввурлар бутун фан тарихи мобайнида ривожланиб келган. Дастлаб, бу умумлаштирувчи тушунча, нарсаларнинг асосида нима ётади, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, субстанция (лотинча, *substantia* — ниманингдир асосида ётувчи моҳият деган маънони беради) деб аталди.

Субстанция — муайян нарсалар, ходисалар, воқеалар ва жараёнларнинг хилма-хил кўринишлари ички бирлигини ифода ётувчи ва улар орқали намоён бўлувчи моҳиятдир. Оламнинг асосида битта моҳият — субстанция ётади, деб ҳисобловчи таълимотни монизм деб аташади. Файласуфлар субстанция сифатида бирор жисмни, ҳодисани, материяни, ғояни ёки руҳни олишган.

Субстанция сифатида моддий жисмларни, материяни олувчилар — материалистик монизм тарафдорлари. ғояни, рухни олувчилар эса — идеалистик монизм тарафдорлари ҳисобланадилар. Шунингдек, оламнинг асосида ҳам моддий жисм ёки материя, ҳам ғоя ёки рух ётади деб ҳисобловчи файласуфлар дуалистлар (дуализм лотинча, dualis — иккиланган деган тушунчани англатади) деб ҳисобланади. Арасту, Моний, Р. Декарт ва бошқалар дуалистлардир. Оламнинг асосида кўп субстанцияларга ётади деб ҳисобловчиларни эса плюрализм (лотинча pluralis — кўпчилик сўзидан олинган) тарафдорлари деб аташади.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи оламни моддий олам дейишади. Айрим кишилар уни жисмоний, яъни физик олам деб аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи оламни маънавий олам дейишади. Айнан шу пайтда биз билан биргаликда мавжуд бўлган олам актуал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган олам потенциал олам дейилади. Масалан, сизнинг бутунги кундаги талабалигингиз актуал оламга мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал оламга мансубдир.

Оламнинг мавжудлиги шубҳасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми реал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган олам виртуал олам деб аталади (виртуал сўзи лотинча virtualis — эҳтимолдаги деган маънони беради). Аниқ маълум бўлган олам конкрет олам дейилади, ҳаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги олам образи абстракт олам дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум бўлган, тан олинган ҳаёти реал оламга мансуб бўлса, унинг ҳаёлий режалари виртуал оламга, унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет оламга, келажакка йўналган орзу-умидлари эса абстракт оламга мансубдир. Одам ўз режаларини реал оламга асосланиб тузса, потенциал оламининг конкрет реалликка айланиш эҳтимоллиги ошади.

Одам оламда бошқалардан ажралиб, яккаю ягона бўлиб эмас, балки ижтимоий ҳаёт кечирази ва жамоа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жамиятни ташкил этади. Одамлар жамиятдаги ўзаро муносабатлари, фаолиятлари, ўй-хаёллари, идеаллари, мақсад ва маслаклари билан биргаликда ижтимоий оламни ташкил этишади. Одамнинг жамиятдаги бошқалар билан биргаликдаги ижтимоий фаолияти, уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал одамларга боғлиқдир. Индивидуал олам, айни пайтда ташқи оламни ҳам, ижтимоий оламни ҳам акс эттирази, ўзида ифодалайди. Булар бир-бирлари билан чамбарчас боғлангандир.

XX асрнинг ўрталарига келиб, квант механикаси, нисбийлик назарияси ва ҳозирги замон космологияси соҳаларидаги илмий ютуқлар, кишиларнинг объектив олам тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, табиатшунос олимлар сезгиларимизга бевосита таъсир этишининг имкони бўлмайдиган реалликлар ҳақида, тадқиқотлар олиб бора бошлади.

Оламни классик механика нуқтаи назаридан келиб чиқиб, нисбатан кичик тезликда ҳаракатланувчи, системалар илмий манзараси ўрнини янгича илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя ҳақидаги тасаввурларни янада ривожланишига шароит туғдирди. Бу ўзгаришларни ҳисобга олиб, марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки билвосита (яъни турли асбоблар; қурилмалар воситасида) таъсир этувчи, деган қўшимча киритишди. Шундай қилиб, бу таъриф гўё материянинг моддавий ва номоддавий шаклларини, яъни модда ва антимодда кўринишларини қамраб олувчи таърифга айланди.

Материалистлар материяни объектив реаллик, деб таърифлашади. Объектив реаллик инсон сезгиларига боқлиқ бўлмаган, ҳолда ундан ташқарида мавжуд бўлган воқелиқдир. Бу бутун мавжудликнинг субъектив реалликдан ташқаридаги қисми ҳисобланади. Объектив реалликнинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, борлиқнинг

ажралмас хусусиятларини ўрганишга тўғри келади, ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти, латинча «атрибут» сўзи билан аталади.

Борлиқнинг атрибутлари. Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари дейилади. Борлиқнинг бир қанча **атрибутлари мавжуддир. Улар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар.** Борлиқ ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари, яъни ажралмас туб хусусиятлари ҳақида тўхтаб ўтайлик. Фазо ҳаракатдаги материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Фазо тушунчаси моддий объектларнинг биргаликда мавжудлигини ва бир биридан узоқлигини, уларнинг кўламини, бир-бирига нисбатан жойлашиш тартибини ифодалайди.

Вақт ҳам материянинг мавжудлик шакли бўлиб, моддий жараённинг кенг ёйилиш изчиллигини, бу жараённинг турли босқичлари, бир-биридан ажралганлиги, уларнинг давом этишини, уларнинг ривожланишини билдиради. Ҳар бир нарса ўз ўтмиши, ҳозир ва келгусига эга. Нарса ва ҳодисаларнинг баъзи бирлари аввалроқ, бошқалари кейинроқ бўлади. Булар эса вақт тушунчасини ифодалайди. Фазо ва вақт ўртасида умумий, ўхшаш томонлар ҳамда айрим фарқлар мавжуддир:

-биринчидан, фазо билан вақтнинг объективлиги, инсон онги, иродаси ва ғойларига боғлиқ эмаслиги, улар ўртасидаги умумийликнинг муҳим томонларидан бирини ташкил этади,

-иккинчидан, фазо билан вақт абадий азалийдир. Фазо билан вақтнинг абадийлиги материянинг абадийлигидан келиб чиқади,

-учинчидан, фазо билан вақт чексиз чегарасиз бепаёндир.

Фазонинг ўзига хос хусусияти ва вақдан фарқи, унинг уч ўлчовга эга бўлишидадир. Бу уч ўлчов материя бўйига ва баландлигига, олдига ва орқасига қараб унинг чексиз эканлигини кўрсатади. У турли нарса ва ҳодисаларда ҳар хил бўлади. Ҳозирги замон физикасининг нисбийлик назарийсида тўрт ўлчовли геометрик фазо ҳақида сўз боради. Бунда тўртинчи ўлчов сифатида вақт олинган.

Вақт фазо билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, лекин ўзининг айрим хусусиятлари билан ундан фарқ қилади. Вақтнинг муҳим хусусияти унинг бир ўлчовлигидадир, қайтарилмаслигидадир. Моддий нарсалар фазода бир хил

жойлашишлари, турли томонга ҳаракат қилишлари мумкин, лекин вақтга келганда улар фақат бир томонга қараб йўналишда бўлади, вақт ҳеч қачон орқага қараб ҳаракат қилмайди. Ўтган замоннинг қайтарилиши ва ҳозирги замоннинг йўқ бўлиши мумкин эмас.

Материяга хос хусусийтлар фазо ва вақтга ҳам хосдир. Материянинг тузилиши ва хоссалари ҳақидаги билимимизнинг ўсиши каби, фазо ва вақт тўғрисидаги билимларимиз ҳам ортиб боради.

Табиат ва жамият ҳодисалари ҳамма вақт кетма-кет содир бўлади вақда ҳаракат қилади. Материя вақтда ҳаракат қилади, демак материя, ҳаракат, фазо ва вақт диалектик боғланган. Уларнинг диалектик бирлиги умумий аниқ фанлар учун ҳам амалий жиҳатдан методологик асос ҳисобланади.

Ҳаракат. Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруқлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган, молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предметлар ва ҳодисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли ўсиш, улғайиш, раванқ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракати бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир,

дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракатнинг манбаи ҳақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

Ҳаракатнинг турлари ҳақидаги мулоҳоза, асосан ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли ҳаракатга фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик ҳаракат нуқтаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Механик, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб, бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар, учун умумий бўлган фазовий силжишлар, ҳаракат шакллариининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг қуёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш билан изохлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади. Ҳаракатни ривожланиш тушунчаси билан аралаштирмаслик керак. Ҳаракат реал воқеаликда рўй берадиган ҳамма ўзгаришларни ўз ичига олади. Ривожланиш деганда эса, жадал суръатлар билан илгарилаб борувчи ўзгаришлар тушунилади. Ривожланиш сифат ўзгаришларининг натижаси бўлиб, у ўзгариш нарсаси ва ҳодисалардаги қарама-қарши томонлар орасидаги курашнинг натижасидир. Бундай ўзгаришлар натижасида эски ўрнида янгиси пайдо бўлади. Шунинг учун «ҳаракат» тушунчаси «ривожланиш» тушунчасига қараганда кенгроқ тушунилади.

Ҳаракатнинг бир-биридан фарқ қилувчи шакллари мавжуддир. Ҳаракат шаклларини туркумлашда қуйидаги қоидаларга таянадилар.

1) ҳаракат шакллари бир-бири билан сифат жиҳатдан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) ҳаракат шакллари бир-бири билан келиб чиқиш жиҳатидан (генетик жиҳатдан) кетма-кет боғлангандир, яъни ҳаракатнинг мураккаб шакллари унинг нисбатан соддароқ шакллари билан келиб чиқандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибида қуйи даражадаги ҳаракат шакллари қатнашади, яъни ҳаракатнинг қуйи шакллари унинг юқори шакллари ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклидаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу қоидаларга таянган ҳолда ҳаракатнинг бир неча шаклини ажратиш кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилар:

1) механик ҳаракат (жисмларнинг фазодаги силжиши);

2) физик ҳаракат (иссиқлик, ёруғлик, электр, магнитизм);

3) кимёвий ҳаракат (кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат ҳолатларнинг бир-бирига ўтиши)

4) Биологик ҳаракат (органик ҳаёт)

5) ижтимоий ҳаракат.

Ривожланиш. Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. Ривожланиш бу — муайян системанинг муайян **вақт ва фазодаги яхлит, комплекс** орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган ҳолда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда бетўхтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида ҳам бетўхтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташқи таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг турғунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган қуёшдаги равожланишни олиб қарайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, ҳозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга бўлган қуёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни қуёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда қуёш шиша бошлайди. Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча, бошқа шакллари ҳам ўрганилади.

Матералист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлаганида, қуйидаги мулоҳазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жаҳатдан, кетма-кет боғланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброк шакллари унга нисбатан соддароқ шакллари билан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шакллари билан мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулоҳазаларга таянган ҳолда, ҳаракатнинг бешта шаклини ажратиш олиш мумкин. Улар — механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ҳаракатлардир. [10]

Ҳаракат шакллари. Фалсафада ҳаракат шакллари туркумлашнинг бир қанча бошқа кўринишлари ҳам бор. Айрим олимлар ҳаракат шакллари ҳар бир фаннинг номи билан боғлаш керак, деб ҳисоблашади. Бундай қарашнинг ҳатолиги шундаки, фанларнинг кўпчилиги ҳаракат шаклини эмас, балки миқдорий муносабатлар ва ҳолатларни акс эттиради. Масалан геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, қизиқли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганади? Кибернетика эса ҳам табиатда, ҳам жамиятда

амал қилувчи бошқариш жараёнларини ўрганади, яъни бу фан битта эмас, балки бир қанча ҳаракат шакллари камраб олади.

Ҳаракат шакллари турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий концепция ҳам диққатга сазовордир. Мазкур концепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати), химиявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади, 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда ҳаракат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда — ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда — одамнинг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, батартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир. Фазо ва вақт, макон ва замон. Борлиқнинг асосий яшаш шаклларига макон ва замон, яъни фазо ва вақт киради. Фазо нарсаларнинг кўламини, ҳажмини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, ҳажмга эга. Фазо — вақтнинг муайян лахзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро

жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фазо ва вақт тушунчалари, кўп ҳолларда, форс тили таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон, деб ҳам аталади. Бу тушунчалар фазо ва вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, холос. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ҳодисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фазо ва вақтни тушуниш бўйича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Фазо ўзига нарсаларни сиқдирувчи субстанция. Ҳеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин, дейилади. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий ўлчамга эга, дейишади.

Ҳеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни кўз олдингизга келтиринг. Илгариги, Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал, концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

Фазо ва вақтнинг хусусиятлари. Фазо ва вақт борлиқ миқдорий ва сифатий жиҳатларни ифодалашига қараб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вақтнинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир. Уларга кўлам, бир жинслилик, изотроплик (анизотроплик) каби хусусиятлар киради.

Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса, борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга узуксизлик, боқланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради. Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик каби хусусиятлар қўшилади.

Фазо, вақтнинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши, фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуқтасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиғдириш мумкин бўлади. Ўлчам даражаси кўп бўлган система, ўлчов даражаси кам бўлган системага нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятларини кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боқланган фазо кўп боқланган фазога айланиши мумкин.

Ҳаёт – борлиқнинг намоён бўлиш шакли. Табиат ва жамият ҳақидаги конкрет фанлар борлиқнинг муайян хусусиятларинигина ўрганади. Борлиқнинг умумий хоссалари ҳақида эса, фалсафа фани тадқиқот олиб боради. Бу жиҳатдан фалсафада ҳаёт муаммосига нисбатан муайян ёндашув шаклланганини алоҳида қайд этиш лозим. Хўш, ҳаёт нима? Борлиқнинг энг мураккаб шаклларида бири ҳаёт ва унинг моҳияти ҳақида тўхталайлик. Биз ҳаёт эканмиз, оламни биламиз. Ҳаётнинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутаяди. Ҳаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаётидир. Бу инсон руҳияти, онги, тафаккури билан чамбарчас боқланган. Ҳар бир одамга бир мартабагина ҳаёт кечириш имконияти берилган. Инсоннинг қадр-қиммати шу ҳаётни қандай ўтказганлиги билан ўлчанади.

Одамнинг табиати ва ҳаёти у яшаётган жамиятдаги ижтимоий муҳитга ҳам боқлиқ. Фаровон жамиятда инсонлар ҳам фаровон ҳаёт кечиришади. қашшоқ жамиятда эса қашшоқлик томир отади. Демак, жамиятимизни қанчалик фаровон қилсак, унда яшайдиган инсонларнинг, келгуси авлодларимизнинг ҳаёти ҳам шунчалик бахтли ва фаровон бўлади.

Ҳаётнинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти такрорланмас ва ўзига хосдир. Балки станокнинг бир деталі ўрнига бошқа детални қўйиш билан натижа ўзгармас ёки бир ишчининг ўрнига бошқа ишчини қўйиш билан станок тўхтаб қолмас. Аммо бир отанинг ўрнини бошқа ота, бир дўстнинг ўрнини бошқа дўст бола олармикин? Шундай экан, ҳар бир одам такрорланмас ва ўз ўрнида қадрли. Инсонни, унинг ҳаётини қадрлаш муҳим ижтимоий вазифадир.

Инсон табиий муҳитсиз, сув, ҳаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай қулай шароит инсон учун фақат Ер шарида мавжуддир. Ернинг ҳаёт тарқалган қисми биосфера деб аталади. Биосфера тирик организмларнинг ҳаёт кечириш муҳитидир. Агар Ер шари қуёшга яқинроқ жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат кўтарилиб кетган бўлар эди ва оқибатда ердаги намлик, сув йўқолар эди. Агар у қуёшдан узоқда жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат пасайиб, ҳамма жой мангу музлик билан қопланар эди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ер юзасида ҳаётнинг пайдо бўлишига имконият йўқолган бўларди. Яна бошқа ҳолни олайлик: Қуёш системаси Галактика марказига янада яқинроқ жойлашганда эди, ер юзасида кучли гравитация таъсирида нарсаларнинг вазни оғирлашиб, инсондек мураккаб жонзоднинг, балки умуман ҳаётнинг пайдо бўлишига шароит бўлмаган бўлар эди. Аксинча, Қуёш системаси Галактикамиз марказидан ҳозиргига нисбатан четда жойлашганда ҳам, гравитация кучининг заифлиги айрим химиявий ва биологик жараёнларнинг рўй

беришига ҳалақит берган бўлар эди. Бунинг оқибатида ер юзасида ҳаёт пайдо бўлмас эди.

Демак, инсон оламнинг энг ажойиб мўъжизаси, Яратганныннг инъоми, ўзи учун энг қулай бўлган жойда, Ер сайёрасида яшайди ва бунга шукур қилса арзийди. Инсон ақл-идрокининг оламга таъсир кўрсатиш чегараси “Ноосфера”деб аталади. Қадимда инсоннинг табиий муҳитга таъсири ўта кучсиз бўлган. Даврлар ўтиши билан инсон қўлида қудратли куч ва қувват манбалари тўплангач, унинг табиатга таъсири ўзгарди, атроф-муҳитни ифлослантириб, биосферадаги табиий мувозанатни издан чиқара бошлади.

Бугунги инсон ўзлигини англамас экан, унинг сайёраамизга ҳалокатли таъсири кучайгандан кучайиб, охир-оқибатда унинг ўзини ҳам ҳалокатга олиб бориши мумкин, деган илмий башоратлар бор. Ҳақиқатан ҳам инсон фаолияти ақл-идрок билан оқилона бошқарилмас экан, у Ер юзининг ҳалокатини тезлаштириши муқаррардир.

Ҳозирги замондаги экологик муаммолардан бири ҳам инсон томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва бу ҳалокатни тўхтатиб қолишдан иборат. Бу оламни қай даражада яхши билиб олишимиз ва унинг ҳаётига нисбатан масъулиятни англашимизга боқлиқдир. Ҳар бир инсон жамиятда ва табиатда тутган ўз ўрнини, умрининг маъноси ва бу ҳаётдаги масъулиятини тўғри англаса, атроф-муҳитни авайлаб-асраши, Ер юзини гуллашиб яшнатишга ҳаракат қилиши шубҳасиз.

Бўлғуси педагогларда онтологиянинг тутган ўрни.

„Тараққиёт жараёнида фалсафадан табиатшунослик фанлари билан бирга психология, этика, эстетика каби ижтимоий фанлар ҳам ажралиб чиқди. Кейинчалик маданият, қадриятлар ва ҳуқуқ каби соҳаларни ўрганадиган алоҳида йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Улар оламни ўз предмети доирасида яхлит билиш, унинг хусусий қонуниятларини ўрганишга ёрдам беради”

Фалсафий йўналишлар, тадқиқот олиб борадиган соҳасига кўра, ўзига хос бўлиб, асосийлари қуйидагилардир:

Онтология - олам, инсон ва жамиятнинг объектив-универсал моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотдир. Бошқача айтганда, у борлик тўғрисидаги, инсоннинг оламга бўлган муносабати ҳақидаги фалсафий билим соҳасидир. [14]

Айни пайтда кўпчилигимиз “Инсон – Яратганнинг мўъжизаси, оламнинг гултожи, тирикликнинг энг буюк қадриятидир”, деган фикрга ўрганиб қолганмиз. Ҳар бир кишига умр бир марта ато этилиши, авлодлар ортидан авлодлар келишининг абадиёт қонуни эканлиги ҳам барчамизга аён. Шундай экан, ҳаётнинг маъноси ва умрнинг мазмуни нимадан иборат? Сермазмун ва бахтли яшашнинг барчага мос келадиган ҳаммабоп модели, махсус усуллари борми? Нима учун баъзи инсонларнинг ҳаёти, фаолияти ўзгаларга намуна, ибрат бўлади-ю, айрим кишилардан тузукроқ из, бирор-бир яхшилик ҳам қолмайди? Фалсафанинг азалий муаммолари бўлган бу каби саволларга жавоб топиш учун ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган не-не буюк зотлар мутафаккирлар, алломалар ўтганлар.

Шу билан бирга, ҳаётда юз бериши мумкин бўлган муаммоларга фалсафий муносабатда бўлиб, уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилиш умрни мазмунли ўтказишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, бу борада оддий тилда ёзилган фалсафий қўлланмалар, халқчил китоблар ҳали ҳам етарли эмас. Аслида, фалсафанинг асосий вазифаси инсон онгида эзгу интилишлар, юксак маънавий қадриятларга мос, соғлом дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бундай дунёқараш бирон-бир ғояни зўрлаб сингдириш ёки қуруқ ёд олдириш орқали эмас, балки ишонтириш, хилма-хил фикрларни ўртага ташлаш, муҳокама қилиш, зарур тушунча, тамойилларни аниқлаш жараёнида шаклланади ва ривожланади. Бу эса барча ва бўлғуси педагогларнинг асосий вазифасидир.

Хулоса ва таклифлар.

Фалсафа ўрганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ муаммоси билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қайси дунёқараш ва методологик муаммоларнинг асоси ҳисобланади.

Дунёнинг мавжудлиги, яъни борлиги тўғрисида баҳс юритган файласуфлар бу масалага турлича ёндошганлар: уларнинг баъзилари, дунё аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам мавжуд бўлади дейишса; бошқалари, дунё аввал мавжуд бўлмаган, илк борлиқ бу оламдаги барча нарса ва ҳодисаларни яратувчи Худодир.

Илк борлиқ, яъни биринчи мавжуд-Тангри Оллоҳ барча мавжудод борлигининг биринчи сабабидир дейилади.

«Илк бор бўлган, (яъни Тангри)-дейди Фаробий, ўзининг асл моҳияти билан бошқа барча нарсалардан фарқлидир» [11] Чунки, у модда ҳам эмасдир, субъект ҳам эмасдир, унинг суръати ҳам бўлмайди, унинг бир ўзи бу борлиқда якка-ю ягонадир, у шу жиҳатдан ҳам биринчидир.

Фан ва амалиёт тараққиёти натажасида дунёнинг яратилганлиги, унинг фазо ва вақтда чегараланганлиги, чекланганлиги тўғрисидаги олдинги қарашлар аста-секин чексиз чегарасизлиги, шу билан бирга унинг бир бутунлиги, доимийлиги, абадийлиги тўғрисидаги қарашлар билан алмашилиб борган.

Абадий дунёдаги барча нарсалар, турли-туман жонсиз ва жонли организмлар, инсонлар ва уларнинг фаолияти ҳатто, бир бутун жамият ҳам, шубҳасиз вақтинча ўткинчидир. Демак, борлиқ абадий, аммо ундаги барча нарсалар ўзгаришда ва ривожланишда; бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир турдан иккинчи турга ўтишда, чунки улар бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди.

Борлиқнинг асосий шакллари табиий борлиқ ёки табиат борлиғи, инсон борлиғи, маънавий борлиғи ташкил этади.

Табиий борлиқ ўзаро боғлиқ, лекин бир-биридан фарқ қилувчи кўйидаги икки кўринишдан иборатдир:

1 .Табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг, жисм ва жараёнларнинг асл табиий борлиғи;

2.Табиатдаги нарса ва ҳодисалар асосида инсон томонидан яратилган нарсаларнинг табиий борлиғи.

Табиий борлиқнинг биринчи кўриниши инсонгача инсондан ва унинг онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар, жараён ва ҳолатларни ўз ичига олган табиатдир.

Борлиқнинг ўзига хос шаклларида яна бири – бу инсон борлиғидир. Инсон борлиғида, аввало, инсоннинг табиат тараққиётининг маҳсули сифатида табиий борлиқнинг ҳар икки шаклига оид томонлар билан бирга, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида унда ижтимоий ва маънавий борлиқнинг ҳам барча шаклларига хос томонларнинг йиғиндиси мажассамлашгандир.

Инсон борлиғи жамият тараққиётининг бирдан бир манбаидир. Ижтимоий борлиқ ҳодисаларнинг барча турларини ўз ичига қамраб олади. Жамият бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ижтимоий этник, оилавий ва ҳ.к. муносабатлардан таркиб топган, доимо тараққий этиб, ривожланиб турадиган жонли организмдир. Жамият табиат тараққиётининг зарурий оқибатидир.

Жамиятнинг моддий техника базаси, иқтисодий асослари, сиёсий ташкилотлари: давлат ва ҳокимият идоралари, армий, милитция, суд, прокуратура, сиёсий партиялар, турли-туман жамоат ташкилотлари маориф системаси, маданият, фан ва техника, илмий тадқиқот институтлари ва

лабораторийлари, оммавий ахборот муассасалари, алоқа бўлимлари ва ҳ.к. ижтимоий борлиқнинг ҳар хил кўринишларини ташкил этади.

Борлиқ фақат моддий шаклда эмас, маънавий, руҳий шаклда ҳам намоён бўлади. Маънавий борлиқ инсон томонидан яратилган ранг-баранг маданият ва санъат асарлари, тил, илмий кашфиётлар, ғоялар, ахлоқ-одоб қоидалари, фалсафий, эстетик, бадиий, сиёсий, тафаккурлаш маданияти, руҳий кечинмалар, диний тасаввурлар, тушунчалар ва ҳ.к. мажмуи киради.

Кишиларнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, руҳий маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва манфаатлари ҳамда кайфийтлари ҳам маънавий борлиқнинг кўринишларидир.

Маънавият, жамият, шахс, миллат тараққиётининг манбаидир. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихи, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди». Шунинг учун ҳам халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Табиат ва жамият ҳодисалари ҳамма вақт кетма-кет содир бўлади вақтда ҳаракат қилади. Материя вақтда ҳаракат қилади, демак материя, ҳаракат, фазо ва вақт диалектик боғланган. Уларнинг диалектик бирлиги умумий аниқ фанлар учун ҳам амалий жиҳатдан методологик асос ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020й. // <https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324>
2. Ш.М. Мирзиёев “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” Ижтимоий адабиёт Т.: Ўзбекистон 2017 йил

3. Ш.М. Мирзиёв “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлик гарови” Ижтимоий адабиёт Т.: Ўзбекистон 2017йил.
4. Ш.М. Мирзиёв “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Ижтимоий адабиёт Т.: Ўзбекистон 2017й
5. Юсупов Э., Мамашокиров С. Фалсафа. Дарслик. - Тошкент: 2005. 6- бет.
6. Шермухамедова Н.А. Борлиқ ва ривожланиш фалсафаси. (Ўқув қўлланма). - Тошкент: 2017. 6-бет.
7. Б.Т. Тўйчиевнинг „Замоновий фалсафанинг долзарб масалари“ мавзусидаги маърузалари асосида тайёрланди..
8. Назаров Қ.Н. Фалсафа асослари. Дарслик.-Тошкент: 2012й. 116-207 бетлар.
9. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри», 131 бет.
10. Б.Т. Тўйчиевнинг „Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий таҳлили“ мавзусидаги маърузаларидан фойдаланинди.
- 11.. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри», 131 бет.
12. Онтология-борлиқ фалсафаси. <http://staff. Tiiname.uz.>presentations PDF>
13. Онтология-борлиқ фалсафаси. Бухоро давлат университети. <http://elib.buxdu.uz>iten>.
14. Раҳмонбердиева С.Ю. Каримов С., „Ўзбек фалсафасининг замонавий йўналишлари.“ Самарқанд давлат университети. . "Science and Education" Scientific Journal June 2021 / Volume 2 Issue 6 <https://www.sciencedirect.com/>

Интернет манбалари:

1. <https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324>
2. www.3ie.net.uz
3. www.faylasuf.uz

4. [www. муслим.уз](http://www.muslim.uz)
5. [www. религионс.уз](http://www.религионс.уз)
6. <https://www.sciencedirect.com/>

Иловалар.

(амалий машғулот ва тақдимотлар)

Амалий Машғулот.

Биринчи кўриниш: талабаларга янги дарс мавзусини дарсдан олдин ёки бир кун олдин мустақил ўрганиб келиш учун саволлар, фойданаладиган адабиётлар рўйхати, интернетга кириш учун тавсиялар берилади. Сўнгги дарсда муҳокама қилиниб дарс тўлиқ ўзлаштирилади.

Иккинчи кўриниш: Груҳ беш ёки олтитадан қилиб груҳларга ажратиб, мавзу бўйича ўйга саволлар бўлиб бериб юборилади кейин дарсда муҳокама қилиниб, дарс тўлиқ ўзлаштиришга эришилади. Талаба саволларга тўлиқ жавоб топиб келадилар, сўнг дарс давомида фикр юритилади. Мен дарсларим давомида: баҳс-мунозара, БББ (Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим), Тушунчалар изоҳи ва бошқа методлардан фойдаланаман.

Масалан.

Фалсафий билимлар тизимида онтология категориясининг тутган ўрни.

1. Онтология нима .
2. Борлиқ тушунчаси нимани ифодалайди .
3. Борлиқнинг қандай турларини биласиз .
4. Материя тушунчаси тўғрисида нималарни биласиз.
5. Ҳаракат ва унинг асосий шакллари тўғрисида
6. Олам нима ва унда одамнинг ўрни қандай.
7. Борлиқ ва йўқлик тушунчалари тўғрисида нималарни биласиз.
8. Борлиқнинг мураккаб тузилиши деганда нима тушунилади.

9. Реал, конкрет ва виртуал борлиқнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.

10. Мавжудлик ва реаллик нима.

Амалий машғулот машғулотини олиб бориш тартиби: Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзу бўйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гуруҳий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.

Амалий машғулот машғулотини олиб боришда қўлланиладиган методлар: “Инсерт”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изоҳи”.

1-Илова (1.1)

Ўқув торшириқ:

Инсерт усулида жадвални тўлдириш

Инсерт қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четида қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан.

+

- мен учун янги маълумот.

- - мен билган маълумотни инкор қилади.

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

1. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
Онтология нима.				

Борлиқ тушунчаси нимани ифодалайди. Борлиқнинг қандай турларини биласиз.				
Борлиқнинг қандай турларини биласиз.				
Материя тушунчаси тўғрисида нималарни биласиз. Ҳаракат ва унинг асосий шакллари тўғрисида				
Олам нима ва унда одамнинг ўрни қандай.				
Борлиқ ва йўқлик тушунчалари тўғрисида нималарни биласиз.				
Борлиқнинг мураккаб тузилиши деганда нима тушунилади				
Реал, конкрет ва виртуал борлиқнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.				
Мавжудлик ва реаллик нима.				

2. Илова (2.2)

Мавзу бўйича фаоллаштирувчи ва Блиц сўров саволлари

1. Мавзудан нима янгилик олдинглар?
2. Юнон олимлари борлиққа қандай таъриф беришган?
3. Абу Наср Фаробий борлиққа қандай таъриф берган?
4. Абу Али ибн Сино борлиққа қандай таъриф берган?
5. Онтология нима?
6. Ҳаракат нима?
8. Материя нима?

Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси

1. Талабаларни ишини бажариш учун билим ва масалаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огохлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим етишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўзфикрингизни эркин намоён этинг.

Гуруҳ бўйича баҳолаш мезонлари

Хар бир гуруҳ бошқа гуруҳларни баҳолайди. Хар бир талаб бўйича – 1,0 балл

Гуруҳ №	Тушунарли ва аниқ жавоб (0,5)	Кўргазмалилик (0,3)	Регламентга амал қилиш (0,1)	Гуруҳ фаоллиги (0,1)	Жами
1					
2					
3					
4					

Ҳисоб натижаси

Гуруҳ №	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл
1					
2					
3					
4					
Умумий					
Ҳисоб баллари					
баҳо					

Баҳо: 0,8 – 1,0 балл – аъло баҳо

0,4 – 0,7 балл – яхши баҳо

0 – 0,3 балл – ўрта баҳо

Назорат саволлари

1. Борлиқ тушунчасининг моҳияти ва маъноси.
2. Борлиқ ҳақидаги концепциялар.
3. Объектив ва субъектив борлиқ тушунчалари.
4. Борлиқнинг уч соҳаси ва уларнинг мазмун моҳияти.
5. Борлиқнинг мавжудлик усуллари.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” Ижтимоий адабиёт Т.:Ўзбекистон 2017 йил
2. Ш.М. Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлик гарови” Ижтимоий адабиёт Т.: Ўзбекистон 2017йил.
3. Ш.М. Мирзиёев “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Ижтимоий адабиёт Т.: Ўзбекистон 2017й

4.Б.Т.Тўйчиевнинг „Замоновий фалсафанинг долзарб масалари”мавзусидаги маърузалари. Тошкет.ЎЗМУ.2021й.

1 Пулатова Д. , Иззетова Э. Философия. -Т.: Шаркшунослик, 2012.

2. Фалсафа. Ахмедова М. Таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.

3. Основы философии. Учебник. Издание 2-е, переработанное, дополн. /Под ред.М.А.Ахмедовой, В.С.Хана. - Т.: Мехнат. 2004.

4. Фалсафа асослари. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2005, 6-27 бетлар.

5. Гунар Скирбек, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Ўқув қўлланма. - Т.: Шарқ, 2002, 40-42, 84-86-б.

6. Фалсафа қомусий луғат.Ўқув қўлланма. Т.Шарқ 2004., 495 б.

7. Раҳимбобоева Н. “Фалсафа” фани бўйича таълим технологияси: Услубий қўлланма/ “Иқтисоий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан.-Т.:ТДИУ, 2013, 21-51 б.

8. Раҳимбобоева Н. “Фалсафа” фани бўйича электрон ўқув-услубий мажмуа (бакалаврият босқичи талабалари учун): Ўқув-услубий қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2013.

Ontologiya-borliq falsafasi haqidagi taqdimotlar.

1.Borliq to’g’risidagi qarashlar.-4

2.Ontologiya-borliq haqidagi falsafiy ta’limot.-5

3.Materiya falsafiy kategoriyasi.-6

4.Materiya (moddiy olam) ning o’ziga xos xususiyati .-7

5.Materiyaning namoyon bo’lish shakillari.(8-9)

6.Ontologiya.-10

7.Olamning manzarasi Borliq) -11

- 8.Yunon olimlarining fikricha borliq.-12.**
- 9.Sharq mutafakkirlarining fikricha, borliq.-13**
- 10.Borliq va yo'qlik dialektikasi.-14**
- 11.Borliq shakllari.-15**
- 12. Borliqning asosiy shakllari.-16**
- 12.Substansiya tushunchasining mohiyati.-17**
- 13.Falsafa tarixida substansiya haqidagi qarashlar.-18**
- 14.Turli falsafiy ta'limotlarda dunyoning birligi va uning kelib chiqishiga nisbatan yondashuvlar/-19**
- 15.Hozirgi zamon falsafasida „harakat” tushunchasi.-20-21**
- 16.Harakat shakllari.-22**
- 17. Makon va vaqt borliqning fundamental shakli.-23**
- 18.Xulosa.-24**
- 19.Фалсафий билимлар тизимида онтология масалалари.М-1.(6 дона)**
- 20.Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий таҳлили. М-3.(13 дона)**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ(минтақавий) маркази “Фалсафа” йўналиши тингловчиси Маматов Махмутнинг “Фалсафий билимлар тизимида онтология масалалари” мавзусидаги битирув ишига илмий раҳбар

ХУЛОСАСИ.

Фалсафий билимлар тизимида онтология масалалари мавзуси бўйича малака ошириш тингловчиси Маматов Махмут онтология категориясини ёритиб беришга қуйидагича ҳаракат қилган: мавзу бўйича мундарижа тузиб шу мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлаган. Талабаларга амалий иш ва топшириқлар берган. Ўқув юкламасидаги онтология категориясини ўрганиш орқали, онтология категориясини ўқув натижасига эришиш кўсатилган. Ўқув натижасига эришиш учун талабаларга онтология категориясига оид мустақил ўрганиш саволлари дарсдан олдин уй вазифаси қилиб берилган.